

Сийрат дарслари (210-дарс) Душанба ва пайшанба кунлари амаллар арз қилинади



19:00 / 23.12.2022 4157

812. Абдуллоҳ ибн Аббос ва Убода ибн Сомит розияллоҳу анҳумдан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам айтдилар: **«Зарар етказиш ҳам, зарарга зарар қайтариш ҳам йўқ».**

Ибн Можа ва Ҳоким ривоят қилишган.

813. Абу Айюб розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Мусулмоннинг ўз биродари билан уч кечадан ортиқ аразлашиши ҳалол эмас. Иккови учрашиб**

қолса, бири у ёққа, бири бу ёққа қараб, тескари бўлади. Икковидан яхшиси биринчи салом берганидир», дедилар».

Бухорий ва Муслим ривоят қилишган.

814. Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Душанба ва пайшанба кунлари амаллар арз қилинади. Шунда Аллоҳ азза ва жалла ўша кунда Аллоҳга бирор нарсани шерик қилмаган ҳар бир бандани мағфират қилади. Фақат биродари билан орасида душманлик бор кишигина бундан мустасно. Шунда: «Иккисини ораларини ислоҳ қилишгунча кутиб туринг. Иккисини ораларини ислоҳ қилишгунча кутиб туринг», дейилади»,** дедилар».

Муслим ривоят қилган.

815. Абдуллоҳ ибн Умар розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам чиқдилар ва баланд овоз билан нидо қилдилар: **«Эй тили билан иймон келтириб, дилида иймон келтирмаганлар! Мусулмонларга озор берманг, айбланманг ва уларнинг камчиликларини қидирманг. Ким мусулмон биродарининг камчилигини қидирса, Аллоҳ ўшанинг камчилигини қидиради. Аллоҳ кимнинг камчилигини қидирса, уни уйида шарманда қилади»,** дедилар».

Ибн Умар бир куни Байтга ёки Каъбага назар солди ва: «Қандай ҳам улуғсан, ҳурматинг қандай ҳам улуғ!

Аллоҳнинг ҳузурида мўминнинг ҳурмати сеникидан ҳам улуғ», деди».

Термизий ва Ибн Ҳиббон ривоят қилишган.

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам» китобидан